



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 50 (869)  
2023 йил  
14 декабрь,  
Пайшанба



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@jamiyatgzt@mail.ru



[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)



Ўзбекистон таълими паст кўрсаткич олгани — бу ҳаммага аллақачон аён ҳақиқат. Сабаби нима? Кўлида ҳокимиюти бор, аммо таълим муаммоларидан хабари йўқ мутасаддилар бунинг сабаби — мактаб ўкув дастурларида деб ўйлади. Шунга асосланиб, ҳатто навбатдаги ислоҳотни бошламоқда.

Умримнинг деярли 60 йилини таълим-тарбияга бағишилаган мутахассисман (1963-1966 йилларда пионер лагерида вожатий бўлганман, 1966-70 йилларда талаба бўлсам ҳам, курсдошларимга консультация дарси ўтар эдим). Менинг холосам: Ўзбекистон таълим савияси бўйича энг паст ўрин олганининг

бош сабаби — тинмай ислоҳотларга ружу қўйишида. Ислоҳот — ислоҳот кетидан ислоҳот. Таълим соҳаси ислоҳотхона бўлиб кетди. Ҳар бир ислоҳот жорий қилиниши билан қофозбозлик, текширик-текширик кучаяди. Текширганда ҳам асосан қофоз текширилади.

(Давоми 5-саҳифада)



## ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН ҚИШЛОҚ

Қашқадарё вилояти Қамаши туманининг олис тоғларида жойлашган “Қизилтепа” МФЙга қарашли Оққишлоқ қишлоғидаги нураётган симёғочлар, мактабнинг эшиксиз, томсиз ҳожатхонаси, умуман олганда, мутасаддилар эътиборидан четда қолган қишлоқ муаммолари ҳақидаги хабарлар бизни ҳам беътибор қолдирмади.

Ушбу мавзуда журналистик суриштирув қилишни мақсад қилиб манзил сари отландик.

Туман марказидан Қизилтепа қишлоғигача енгил машинада у ёғига тоғ йўлига мослашган “Нива” машинасида кетдик. Йўлда кетарканмиз, тоғ йўллари анчагина таъмирланганига гувоҳ бўлдик.

(Давоми 6-саҳифада)

## БУХОРОДАН ВАНКУВЕРГАЧА

(ТАТУ собиқ талабаси, Канададаги Huawei компанияси ходими билан сұхбат)

Қаҳрамонимиз Тошкент ахборот технологиялари университетининг бакалавр босқичини тамомлаган. Жанубий Кореядаги Конкук университетида магистратура, Канададаги Британия-Колумбия университетида докторантурада таҳсил олган.

Қишлоқда, меҳнатни ўртасида туғилганман


Бухоро вилоятида туғилганман. Бухоро туманидаги 16-мактабда ўқиб, кейин ўша туманданги қишлоқ хўжалик коллежини битирганман. Ҳозир 37 ёнда охирги дипломим техника фанлари доктори бўлса, ҳаётдаги биринчи дипломим шу коллеждан, чорвадор фермерликда.

Болалик йилларимнинг энг асосий қисми: меҳрга тўла мухитда ўсганим. Жонкуяр ота-она, севимли ака-укалару, опа-сингиллар, жипс қариндошлару-қишлоқдошлар ва фидойи ўқитувчилар бағрида улгайганман. Ҳаммаларидан доим миннатдордаман.

Болалигимнинг яна бир қисми бу меҳнат. Қишлоқда ўсганман. Даламиз, чорва молларимиз бўларди. Уларга ем-хашак олиб келиш, қишига жамлаш кундалик юмуш эди. Мавсумий пахта-буғдойдан ташқари, оила-да тонналаб картошка, саримсок, ҳандалак етишибирб сотганмиз. Ҳожибой Тожибоев айтгандек, қишлоқда, меҳнатни ўртасида туғилганман. Кўз кўрқоқ, қўл ботир мақолини амалда кўп қўллашга тўғри келган.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)





# МАМЛАКАТЛАРНИ «ХАВФСИЗ КЕЛАЖАК» УМИДИ БИРЛАШТИРАДИ

Сайёрамизда юз берадиган глобал иқлим ўзгариши туфайли кейинги йилларда иссиқ тўлқинлар, кучли шамоллар, қурғоқчилик, сув тошқини ва ёнғинлар нисбатан кўпроқ содир бўла бошлади, музликлар эриши янада кучайди. Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Марказий Осиёда ҳам сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртacha кўрсаткичдан икки баробар кўп. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

Тупроқ емирилиши жараёни 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатяпти. Кучли чанг ва қум бўронлари эса одатий ҳолга айланди. Ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда. Бу экологик муаммолар бугунги ҳаётимиз ва келажак тараққиётга жиддий таҳдиддир. Шу боис, унинг олдини олиш, салбий таъсирларини камайтириш, табиат билан уйғун ривожланиш чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада сўнгги йилларда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, фуқароларимиз учун қулай атроф-муҳит яратилипти, аҳоли пунктларининг санитария-экологик ҳолати яхшиланмоқда ва яшил майдонлар кенгайтирилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарни томонидан турли халқаро минбарларда билдирилаётган муҳим ташабус ва гоялар нафақат мамлакатимиз, балки, бутун дунёда барқарорликка эришишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир. Шу боис, бу таклиф ва ташабbusлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-куvvatланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан жорий йил 1 декабрь куни Дубай шаҳрида ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) асосий ялпи сессияси ишида иштирок этгани ҳамда бу борада яна бир қатор аниқ таклиф ва амалий ташабbusларни илгари сургани ҳам дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди ва қўллаб-куvvatланди. Айниқса, Президентимизнинг нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё учун бирдек муҳим бўлган долзарб ма-салаларга эътибор қаратгани дикқатга сазовордир.

Сўнгги йилларда минтақамизда иқлим ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллардан

бири Орол денгизи фожиаси оқибатларини юмшатиш, Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини юксалтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, сўнгги беш йилда Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектар майдонга саксовул, черкес ва бошқа шўр ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмон-

тараққиётга жиддий рахна солмоқда. Шу боис, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди.

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг янги босқицида бундай глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишга эришишга алоҳида эътибор қаратилипти. Сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида бир қатор муҳим норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммитда давлатимиз раҳбарининг БМТ билан 2024 йили Ўзбекистонда «Иқлим миграцияси» конференциясини ўтказиш, халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастурини ишлаб чиқиш ва Моделлаштириш марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи ҳам муҳим чақириклардан бири бўлди. Айниқса, СОР Ёшлар конференциясини мамлакатимизда юкори даражада ташкил этишга тайёрмиз, деган таклифи нафақат мамлакатимиз, балки хорижий эксперталар томонидан ҳам ғоят илиқлик билан қарши олинди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг иқлим ўзгаришига қарши кураш ва унинг оқибатларига мослашиш бўйича минтақани бирлаштириш ташабbusлари Ўзбекистоннинг ушбу соҳада минтақавий етакчиликка интилишини акс эттиради. Энг муҳими, СОР-28да иштирок этиш мамлакатимизга нафақат ўз тажрибаси ва ютуқлари билан ўртоқлашиш имкониятини беради, балки халқаро ҳамжамият билан билим ва илгор тажриба алмашиш учун платформа ҳам яратди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжу-манда иштироки нафақат Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлашга содиклигини, балки мамлакатимизнинг иқлим бўйича ҳаракатлар юзасидан глобал мулоқотдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди. Ушбу саммит сайёрамизнинг янада барқарор, фаровон ва ҳавфсиз келажагини таъминлаш йўлида халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қиласди.

**Одинахон ОТАХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан жорий йил 1 декабрь куни Дубай шаҳрида ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP28) асосий ялпи сессияси ишида иштирок этгани ҳамда бу борада яна бир қатор аниқ таклиф ва амалий ташабbusларни илгари сургани ҳам дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди ва қўллаб-куvvatланди.

зорлари барпо этиш ишлари олиб борилиши ўз навбатида Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Саммитда давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияси асосида Оролбўйи ҳудудини экологик оғат зонасидан “инновациялар, технологиялар ва янги имкониятлар минтақаси”га айлантириш, бу ерда Иқлим технологиялари халқаро экспоҳабини яратиш таклифи ниҳоятда долзарб, деб ўйлайман. Чунки бу ерда қанча кўп кўчат экилиб, уни қўкартириб сақланиши таъминланса, атроф-муҳит мусаффолиги шунча ошади.

Айтиш жоизки, иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг тақчиллиги, чўлланиш, биологик хилма-хилликнинг қисқариши каби экологик муаммолар кучаяётгани эртанги

# ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

Шундай инсонлар бўладики, ҳаётда ҳамиша завқ билан, кўнгил оҳангларига, турфа хил наволарга ошуфта бўлиб яшайди. Ён-атрофидагиларни, дўсту ёларни ҳам бетакрор оҳанглар оғушида бўлишга унди.

Бекободлик Ўғилой Холматова ҳақида гап кетганда у ҳақда кўпчилик оғзидан бол томиб гапирадиган бўлди. Халқ оғзаки ижодига оид қўшиқ ва термаларни, халқона оҳангларни маромига етказиб ижро этаётган ва бу йўлда одамлар меҳру муҳаббатини қозонаётган Ўғилой опа бугун чинданда элнинг назарига тушган. Туман ва вилоятдаги тўй-томушалар дейсизми, турли хил байрам ва тадбирлар дейсизми, албатта Ўғилой опа ва унинг жамоаси даврага ўзгача файзу тароват бағишлаб келяпти. Қўшиқ ва ракс уйғунлиги эса халқ оғзаки ижодининг бетакрор жозибасига айланиб қолган.

Албатта, Ўғилой опанинг санъатга меҳр қўйишида онаси Роҳатой аянинг хизмати катта. Зотан аянинг ўзлари ҳамиша халқ ичидан, одамлар орасида бўлган. Унинг “Ёр-ёр” қўшиқлари, “Келин саломлари” юзлаб янги оиласарга, мустақил ҳаётга қадам қўйган жуда қўплаб келин-куёвларга қувонч ва бахт хадя этган. Ана шундай муҳитда улғайиб вояга етган ёш Ўғилой халқ оғзаки қўшиқларини хиргойи қилиб юрди, аста-секин санъатга иштиёқи ошиб борди. Бу орада Бекобод шахридаги

Металлурглар маданият саройининг санъат тўгаракларига қатнашиб юрди. Ўн олти ёшида “Наманганинг олмаси” кўшигини чиройли ижро этиб, кўпчиликнинг олқишини олди. Ёш қизалоқ ўшандеёк шахар ва вилоят миқёсидаги қўплаб танловларда, байрам тадбирларида фаол қатнаши.

Ўғилой опа ўтган асрнинг етмисинчи йиллари охирида Бекобод тумани Зафар шаҳарчасига келин бўлиб тушди. Бу орада ўрта маҳсус билим юртини тамомлаб, бир муддат савдо соҳасида ҳам хизмат килди. Аммо санъатга бўлган меҳр ва иштиёқ унга тинчлик бермади. Унинг овозини эшитган одамлар бирин-кетин Ўғилойни тўй-маъракаларга, байрам тадбирларига таклиф эта бошлади. Буни қарангки, умр йўлдоши Абдусамад aka Холматов ҳам санъат шинавандаси экан. “Марҳабо, талантлар!” кўрик-танловида қатнашиб совриндор бўлган Абдусамад aka умр йўлдоши Ўғилойга кенг йўл очиб берди.

Айниқса, Мустақиллик йилларида Ўғилой Холматова ёниб ижод килди. Туман миқёсидаги барча тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Иштиёқ ва ҳавас


аста-секин эътиқодга айланди. 2019 йил январь ойида туман маданият уйи қошида Ўғилой опа раҳбарлигида “Нилуфар” фольклор-этнографик ансамблига асос солинди. Ансамбл ташкил этилгач, ўндан ортиқ хотин-қизлар жамоага жалб этилди. Ўз репертуарига эга бўлди. Уларнинг репертуаридан ҳозирда “Кундуз”, “Наҳори нашта”, “Наманганинг олмаси” сингари ўнлаб халқона қўшиқлар, хоразмча термалар, ёр-ёр ва келин саломлари ўрин эгалаган.

Жамоа аъзолари вилоядага ўтказилган “Алла” кўрик-танловида ғолиб бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси чеъленижидан учинчи ўринга сазовор бўлишди. “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивалида ҳайъат этиборини қозонди. 15-октябр — “Халқаро қишлоқ аёли куни”да “Алла айтган етар муродга” кўрик-танловида фаол қатнашиб, маҳсус сертификат ва ташаккурномага сазовор бўлишди.

Маданият ходимлари куни арафасида эса “Йилнинг энг фаол маданият ходими” сертификати билан тақдирланди. Айниқса, Ўзбекистон телевидениесининг “Она замин оҳанглари” кўрсатувида ансамбль аъзолариниг ўз дастури билан иштирок этгани айни муддао бўлди.

Ўғилой опа ва унинг жамоаси ҳукуматимиз ва вилоятимиз раҳбарлари назарига тушган. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаон туризм ташкилотининг 25-сессияси кунларида маданий тадбирларда фаол иштирок этиб, вилоятимиз санъат нуфузини янада ошириди. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзлари Ўғилой опа ва жамоасининг чиқишиларини олқишилади.



Самарқанддаги учрашувлар бир умр опанинг ёдида ўчмас из қолдирди. Дарвоҷе, “Нилуфар” жамоасининг нуфузи янада ортиб бормоқда. Халқона оҳанглар жозибаси одамлар қалбига мунаvvар туйгулар баҳш этяпти.

Ашурали БОЙМУРОД.

## ОТА МАСЪУЛИЯТИ

Одатда ҳар бир ота фарзандлари, келину қуёвлари ҳамда набираларига бош бўлиб, уларга тўғри йўл кўрсатган ҳолда оиласари бўлиб қолиши мөддий таъминоти, балки ундағи маънавий-ахлоқий муҳитга ҳам жавобгардир.

Афусуски, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи ҳамюртимиз Абдусоли Иноғомов (исм-шарифлари ўзгаририлган) оиласида ўзаро ҳурмат-эътибор ва ҳамжиҳатликни таъминлай олмади. Оқибатда, оиласидаги парокандлик туфайли жиноят юз берди.

Гап шундаки, Абдусоли аканинг 2 нафар — Абдусамад ва Абдурашид исмли ўғиллари бор эди. Бундан 7-8 йил олдин aka-ука уйлангач оила аъзоларининг сафи янада кенгайди. Аммо кичкина келин Махфузга қайнона-қайнотаси ва қайногаси билан сира муроса қила олмади. Абдурашид эса яқинларининг, ҳам хотинининг тинчини ўйлаб, бола-чақаси билан бирга алоҳида хонадонга кўчиб чиқиб кетди. Шундан кейин орадан 4-5 йил ўтиб кетди.

Албатта, ўтган вақт мобайнида кичик ўғилнинг фарзандлари ҳам катта бўлиб қолишиди. Лекин болажонлар ҳар куни бобо ва бувисига талпиниб туришарди. Шу боис, Абдурашид Иноғомов ота-онаси ва акасининг оиласи билан муносабатларни тикламоқчи бўлди. Яъни 2023 йил 28-август куни кечки пайт аёли ва фарзандларини ота-онасини каганга олиб боришини реjalаштириди. Аввал хабар бериш учун отасига қўнғироқ қилди.

— Уйимизга ўтаверинглар, мен ҳам ярим соат-

да етиб бораман, — деди ишхонасидан эндиғина чиқкан Абдусоли aka.

Шундан сўнг таҳминан соат 20:00ларда эр-хотин болалари билан бирга Абдусамад ва ота-онаси яшаётган хонадонга боришиди. Бирок эски гина-кудратлар туфайли акаси уларни уйга киргизмади. Бу ҳолат эса Махфузанинг асабига тегиб, у қайногаси билан тортишиб қолади. Шунда Абдусоли Иноғомов уларнинг жанжалига аралашади. Оқибатда, келин қайнотасига ҳам заҳрини сочади.

— Тилингизни тийинг, келин, — дея уни тартибга чақириди оила бошлиғи.

Лекин М.Иноғомова бақир-чақир қилиб, бутун йўлакни бошига кўтариши. Бу ҳам етмагандек ўргадаги совуқчиликнинг пайдо бўлишида эрининг яқинларини айблайди. Табиийки, унинг айтгаётган гаплари Абдусоли аканинг ғурурини топтаб, жаҳлини чиқаради.

Жаҳл чиқса, ақл кетар, деганларидек тутакиб кетган А.Иноғомов рўзғор пичогини олиб, Махфузга ва Абдурашидга қараб югуради. Аниқроғи, аввал келинининг кўлига, сўнгра кичкина ўғлиниң қорнига пичоқ уриб, тан жароҳати етказади.

Мазкур хонадонда бемаҳалда кўтарилиган жанжал-тўполон ҳамда кафти қонга бўялган



М.Иноғомованинг ёрдам сўраб бақиргани қўни-қўшиларининг тинчини бузади. Шу боис, кимдир дарҳол хуқуқни муҳофаза қилувчи идорага хабар беради.

Шундан кейин, Абдусоли Иноғомовга нисбатан жиноят иши кўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судида эса ушбу ҳолат кўриб чиқилади. Яъни суд судланувчини Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми ва 104-моддаси 2-қисми “б”, л” бандлари билан айборд деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.

Кези келганда таассуф билан таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда аёлларга, опа-сингилларимизга нисбатан юз бераётган зўравонлик ҳамда таҳдид ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ваҳоланки, Конституциямизнинг 26-моддасига биноан, ҳеч ким қийнокка солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Шундай экан, мамлакатимизда эркаклар ва аёллар тенг хуқуқи экани, хотин-қизларга нисбатан қилинётган зўравонлик, албатта, тегишли жазога сабаб бўлишини ҳеч ким унумаслиги керак.

**Бахромжон БЕРДИЕВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича Мирзо**  
**Улуғбек туман судининг судьяси**



# БУХОРОДАН ВАНКУВЕРГАЧА

(ТАТУ собиқ талабаси, Канададаги Huawei компанияси ходими билан сұхбат)

(Бошланиши 1-сағифада)

## Бириңчи курснинг ўзида илмий мақолам чоп қилинганды

Ахборот технологиялари соҳасини Тошкент ахборот технологиялари университетига (ТАТУ) кирганимдан кейин танлаганман. ТАТУга хужжат топширишдан аввал аниқ фанларга, айниқса, математика ва физикага қизиқардим. Устозларим, айниқса, Шерали Очилов, физикага бўлган қизиқишимга катализатор бўлганлар. Гулбахор Пўлатова ва Зафар Болтаев математик гўзалликка кўзимни очганлар. Бакалаврдан ягона мақсадим фанга чуқурроқ кириш эди. Яхши олийгоҳлар Тошкент шаҳрида эди, боз устига Тошкентда талабалар пахта теримига чиқмасди. Уйдагилар ва устозлар маслаҳати билан ўша вактдаги энг обрўли олийгоҳлардан бири — ТАТУга топширидим.

ТАТУга бориб физика-математика да давом этдим. ТАТУ математика кафедрасидан устоз топиб (Анвар Мирзаев), бириңчи курснинг ўзида мақола чоп қилдик. Дастрлабки мақолам Фурье қаторларидан фойдаланиб сигналларни спектрал таҳлил қилиш хакида эди. Устоз Мирзаев узоқдаги юлдуздан келган нурни олиб, уни спектрал таҳлилидан юлдузнинг кимёвий таркибини олиш мумкин: масалан унда қанча платинум ва олтин борлигини аниқлаш мумкин деганлари ҳалиям эсимда. Шу қизиқиш билан соҳага кирдим. Иккинчи йилга бориб даструрлаш тили (Pascal) дарслари бошланди. Бу дарс қизиқишимни тортди. Компьютер даструрлари математик исботга ўхшарди: исбот қадамба-қадам қилингандек, даструр хам қадамба-қадам ёзиларди. Одатда буни алгоритм дейишиади.

Ўша йили уйдагиларим шахсий компьютер олиб берганларидан фойдаланиб, кўпроқ вактим компьютер олдида, даструрлаш билан ўтди. Бириңчи даструрим хам физика соҳасига оид: куёш атрофи-

да планеталар айланишини қора экранда рангли нүқталар билан тасвирлаб, анимация қилиш эди.

Олийгоҳ билан боғлик яхши хотираларим кўп. Устоз Мирзаевдан ташқари, Умида опа, Маҳбуба опа, Дилором опа, Эркин ака ва Рустам Ҳамдамовлар соҳанинг яхши мутахасиси эдилар. Нафақат билим беришга уста, балки бу билим амалда қандай кўл келишини етказиб тушунтиради. Университет шароити ҳам яхши: компьютерли кутубхоналар, кунига бир соат бўлса ҳам кутубхонадаги текин интернет, мутахасислик бўйича китоблар, Корейс ва Ҳинд ўқув марказлари билим олиш учун кенг имкониятлар очарди.

## «Чинакам фанни ҳали кўрмадим» деган чанқоқ бор эди

Олийгоҳни тугатганимдан кейин, Кореяга магистратура учун хужжат топширишинга асосан 3 та сабаб бўлган: 1) чет элда билим олиш хоҳишим, 2) Кореяда грантлар борлиги, 3) ТАТУ Корейс марказидаги Улуғбек ака. Бириңчи сабабнинг асоси бакалавр билимидан қониқмаганим. Назаримда билмаганларим ҳали кўп: юрагимда «чинакам фанни ҳали кўрмадим» деган чанқоқ бор эди. Бу чанқоқни Ўзбекистонда магистр ўқиб қондира олишимга кўзим етмади. Аксинча, ТАТУни битириб, чет элга ўқишига боргандарга ҳавас қилдим. Уларнинг маслаҳатини олиб, Корея, Япония, Европа ва АҚШдаги имкониятларни ўргандим. Кореяда грантлар борлиги ва бу орқали ота-онамга моддий юк бўлмай билим олиш имконияти ўзига тортди. Ўша пайтда Корейс марказидаги устозим Улуғбек ака, асл исми Jei Sang Jeon, маслаҳатлари билан Кореяга топширидим. Грант олдим. Улуғбек акага операцион тизимлар соҳасида магистр килиш хоҳишимни айтганда, Конкук университетини маслаҳат берди. Шу орқали Конкукда кўним топдим.

## Маҳаллийчиликни кўрмадим

Дунё қўриш одам дунёкарашини кенгайтиради. Ҳалиям эсимда, 2004 йил ТАТУга хужжат топширишга Тошкентга бириңчи марта борганимда Тошкент шаҳридаги кўприкларга қойил қолгандим: «бу шаҳарда шундай кўприк қурувчилари яшаса, уларга бу кўприклар оддий ҳол бўлса, аҳоли қанчалик юксалган» деган хаёллар ўтган. Кореяда ҳам худди шу ҳолат тақорланди: дарёлар оша қурилган кўприклару, осмонўпар бинолардан ҳайратланди. Илҳомланиб, кўпроқ билим олишга, шу аҳолига мос, ўз ишим устаси бўлишга аҳд қилгандим.

Университетдаги таълим ҳам ҳавас қилгулик бўлди. Маҳаллийчиликни кўрмадим. Талабалар ўз устида қаттиқ ишларди. Профессорлар юкори малакали. Кўпчилиги Кореядан четда ўқиб келганди. Соҳасини қойиллатганлар эди. Менда «мана энди чинакам билим масканига келдим, шу ерда билим чўқисигача бораман, сарҳадга етаман» деган хиссиятлар билан бошладим. Лекин иккинчи йилни битиришга якин сарҳаддан ҳали анча узоқдалигимга кўзим етди.

## Дўстим Швейцария, мен Канадада PhD бошладим

Конкукни битириш арафасида PhD ўқишида давом этаман деган хуносага келдим. Аммо Кореяда эмас. Конкукда мен ҳавас билан қарайдиган барча профессорлар ғарбда, айниқса АҚШда PhD қилиб келишганди. Чинакам фан чанқоғимни АҚШда қондирман деган умидда, АҚШга топширим. Ўқишига қабул қилиндим. Университет 20 минг долларлик грант берди. Бу ўқишимни қопларди. Лекин яшаш учун йилига камида кўшимишча 20 минг доллар керак эди. Ўзимдаги 2-3 минг доллар кам, уйдагиларга эса юк бўлгим келмади. Конкукдаги илмий раҳбарим Ким Дуён (Kim

Doohyun) ва бошқа яқинлар билан маслаҳатлашиб, Кореяда бир неча йил ишлаб, тажриба ва пул йигиб, кейин кайта PhDга топширишга карор қилдим.

Кореянинг Электроника ва телекоммуникациялар тадқиқоти институти (ETRI) ва бошқа компанияларга ариза топшириб интервью қилдим. Бирдан ортиқ жойга қабул қилиндим. Келажакда PhD мақсадим борлиги сабабли ETRI-ни танладим: унинг дунёга танилгани ва Кореядаги энг катта илмий марказлиги мақсадимга мувофиқ эди. ETRIда иш бошлаб, у бежизга танилмагани гувохи бўлдим. Марказда 3000 тача ходим ишласа, ўшандан 2000 дан ортиғи PhD эди. Марказнинг 40 йилга якин тарихида TDX (Time Division Exchange), 4M DRAM (Dynamic Random Access Memory) ва 4G LTE Advanced каби мухим кашфиётлар қилинганди.

ETRIда 3 йил давомида келажак интернети ва датацентр тармоқлари соҳаларида ишладим. Датацентрларга қизиқишим шу пайтлардан бошланди. Ҳамкасларим кўпчилиги устозларимга айланди, шу қаторда Ли Таехо (Lee Taeho). ETRIда энг омадим чопган нарса Таехо билан ҳамкасб бўлганим деб хисоблайман. Таехо мен билан тенгдош. Асли Кореялик бўлса ҳам АҚШда ўрта мактабни битириб, ахборот технологиялари соҳасида Техас университетида (University of Texas, Austin) бакалавр ва Стенфордда магистр олган. Унинг билим доираси, дунёкараши, фикрлаш тезлиги ва тиниқлиги менга афсунгардек туюларди. Бир йилдан кўроқ ёнма-ён ўтиридик, техник ва нотехник соҳаларда сабоклар олдим. Учинчи йилга бориб биргаликда PhDга топширик ва у Швейцария, мен Канада, хусусан Британия-Колумбия университетида PhD бошладим.

## Янгиликка урғу катта

Huawei илмий изланиш учун яхши жой. Компанияни дунё бўйлаб 200 мингдан ортиқ ишчиси бор. Bloomberg'нинг 2022 йилги таҳлилига кўра, илмий изланишга хар йили 20 миллиард доллардан кўпроқ маблағ сарфлайдиган компаниялар дунёда бор-йўғи 6 та. Huawei

ўшалардан бири. Бошқалари Meta (олдинги Facebook), Amazon, Alphabet (Google эгаси), Apple, ва Microsoft. Huawei улуши Microsoft'никига яқин, Apple'дан 1 миллиард камроқ ва етакчи Meta'дан 2.5 миллиард камроқ. Айтилишича, Huawei олган даромадининг 10 фоизини илмий изланишга сарфлайди.

Булар ташки маълумотларга асосланган. Лекин Huawei'даги шахсий тажрибам ҳам буни тасдиқлади: янгиликка ургу катта. Изланувчи сифатида ўзимни вазифам муаммоларни аниқлаб, ўрганиб, янги ечимлар таклиф қилиб, макола ва патентлар орқали саноатга тадбиқ қилиш. Ҳозир датацентрдаги график дастурлар учун тизим қилаяпмиз. Мен тизимнинг умумий архитектураси, хусусиятлари, ресурс тақсимоти ва унумдорлиги жиҳатларида ишлайман.

## Чумчуқдан кўрқкан тарик экмас

Канада табиати чиройли. Яшаш учун, айниқса оила учун яхши жой: тинч, осойишта, тоза. Кўпчилик халқи ёрдам беришга тайёр, бағрикент. Ривожланган иқтисодиёти, саноати, соғлиқни саклаш тизими ва дунёда номи чиқкан билим масканлари бор.

Канадада салбий тассуротларимни ўйқ деса, ҳам бўлади. Масалан, мен яшайдиган шаҳар Ванкуверда ёмғир кўп ёғади. Октябрдан бошлаб апрелгача хафтасига 4-5 кунлаб ёмғир ёғади. Биринчи келганимда ёмон таъсир қилган. Атрофдагиларни кўпчилиги ҳам ёмғирдан нолирди. Мен табиатдаги яшиликни ёқтираман. Бу ўзгача гўзаллик. Бухоролик сифатида яшил бўлмаган гўзалликни ҳам қадрлайман, лекин кучоққа сигмайдиган танали, одамдан 30-40 баравар баланд (60+ метр) дараҳтлар гашти ўзгача. Ёмғир бўлмаса, бу дараҳтлар бўлмайди. «Чумчуқдан кўрқкан тарик экмас» деганларидек, яшиликни ҳоҳласам, ёмғирдан қочмаслигим керак.

## Мехнатдан қочмаса, омад сизни қувади

Интервюни икки ҳикоя билан якупнайман. Иккалasi ҳам ўз ҳаётимдан. Айтишимни сабаби, бошқаларга мен ҳам улар каби оддий одам, керак бўлса оддий қишлоқ боласи эканлигимни таъкидлаш. Буларни ўқиб улар ҳам ҳаёт кемаларини ўз қўлларига олишлари ва бу кемани ўзлари хоҳлаган қирғоққа буришларига ундаш.

Биринчиси: картошка чопиқ мавсуми эди. Бухоронинг май ойида ҳаво энди исиб, кунлар узайиб, кечки саккизларгача далада ишлаш имкони бўларди. Даладаги картошка жўякларида (эгат) бегона ўтларини чопиб ташлаб, картошка танаси остига кўпроқ кум ташланарди. Шунда тананинг кўпроқ қисми қумга ботиб, илдиздаги картошкалар янада куч оларди, каттароқ ҳосил берарди.

Адашмасам, 2002-2003 йиллар, ТАТУга киришимдан 2 йилча олдин. Бу вақтга келиб, мен фанга анча қи-

зиқиб қолгандим. Ўша куни коронгу тушди, лекин узун жўякни охиригача чопиқ қилишга улгурмадим. Шуни тугатсам, эртаси кўпроқ дарс қиласман деб, коронгуда чопиқда давом этдим. Уйдагилар «кирақол энди, қолганини эрта қиласан» дейишиди. Уларга индамай, ишимда давом этдим. Фурсат ўтиб, бир-икки тақрорлашди. Чарчок ва ғазаб аралаш «ҳали ишимни тугатмадим, бугун тугатмасам, эртага яна қилишим керак, эртага эса кўпроқ ўқимоқчиман; нега фалончи домла кунини билимга сарфлай олади, мен эса далада ҳам ишлашим керак» деб зарда билан сўрадим. Уйдагилар ёш болага ёйишиди, шекилли, «чунки у домла омадли» дейишиди.

Бу домла Шерали Очилов эди. Аввалроқ айтган физика тайёрлов курсидаги устозим. Устоз омадлари бордир, лекин бу омад устоз жонкуярликлари ва меҳнатлари олдида дарёдан томчи эди. Буни бир неча марта шахсан гувоҳи бўлганман. Масалан, тайёрлов курси кунларимдан бирида физикадан масалани ечолмай қолдим. Устозга энди саволни берганимда танаффус бошланди. Устозлар алоҳида, талабалар алоҳида овқатланишга чиқиб кетди. 30 дақиқалик овқатланишдан қайтганимизда, устоз келиб «ечимни топдим» дедилар. Мен эса «қачон улгурдингиз, овқатланишдан энди келдикку» дедим. Домла «нима, мен овқатланганда ўйлолмайманми» дедилар. Бу устоздаги омадни эмас меҳнаткашликнинг яқол ифодаси эди. Мен йилида бир коронгуда чопиқ килсан, домла ҳар танаффусда масала ишлардилар.

Иккинчи ҳикоям: геометрия масаласини ишлаш ҳақида. Бу ҳам тахминан 2002 йиллар эди. Куз фасли охири. Мавсум тугаб, беда поялари казиб олинарди. Бу пояларни болга билан янчиб, кўлда бўлакларга ажратиб чорва молларга берардик. Қўлим поя янчиш билан, миямда геометрияга оид бир масала айланарди. Савол параллелограммнинг ташки бурчаги ҳақида эди. Унинг чизмасдан масалани ишлаш қийин туюлди. Қўлимдаги беда поя бир янчдимда, суви чиқкан пояни қалам сифатида ишлатиб, қаршимдаги қуруқ ёғочга поя намлиги билан параллелограмм шаклини чиздим. Ташки бурчигига эътибор бериб жавобини топаётганимда, ёғочдаги сув куриди. Жавоб топмасимдан параллелограмм йўқолди. Чорва айвонидан уйга бордимда, ҳақиқий қаламни олиб келиб ёғочда шаклни қайта чизиб, масалани ечдим. Шу қаламни масала ишлаш учун айвонда анчагача сақладим.

Икки ҳикоя тугади. Қиссалардан хисса: қатъий ҳоҳиш бўлса, чорва айвонни дарсхонага айлантирса бўлади. Мехнатдан қочмаса, омад сизни қувади. Йиллаб меҳнат ортидан эса Чорвадор фермер дипломини Техника фанлар доктори дипломига айлантираса бўлади.

Кема сизники. Оқимга таянманг. Қирғоққа буринг.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ  
сұхбатлашды.



## ЖИМ туролмайман!!!

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ислоҳотни таълимга масъул мутасаддилар бошлайди, ҳалқ таълимига лоқайд мутахассислар ишлаб чиқади. Хўш, ким амалга оширади? 10 000 та мактаб, юз минглаб ўқитувчи-педагоглар. Уларнинг неча фоизи ислоҳотингизга тайёр? Нари борса, 10 фоизи. Акс ҳолда, таълим савияси бу қадар паст бўлмас эди. Навбатдаги ислоҳотдан кейин бу кўрсаткич 5 % га тушади, чунки аввалги дастурни ўзлаштириб улгурган ўқитувчилардан бир қанчаси янгисининг аравасидан тушиб қолади. (Рақамлар тақрибий. Гап сонда эмас, уларнинг пастлигига. Керак бўлса, социологик тадқиқот ўтказиб аниқлаш мумкин. Албатта, фирромсиз тадқиқот ўтказиб.)

**Халқаро тест синовларида Сингапур, Макао, Хитой юқори ўринни олган. Чунки улар таълим соҳасининг ислоҳотига эмас, сифатига эътибор қаратиб келишади. Ҳар учаласининг ҳам асосий аҳолиси хитойликлар. Ота-оналарнинг менталитети ҳам, ўқувчиларнинг интилиши ҳам — сифатли таълимга эга бўлиш. Ҳой Сингапур тажрибасига асосланиб, янги ислоҳотни бошламоқчи бўлаётганлар! Ўқув дастурини-ку кўчирарсиз. Сингапурдан министр, ТБ бошлиқлари, методистлар, директорлар, ўқитувчиларни ҳам олиб келасизларми? Олиб келдингиз ҳам дейлик. Ота-оналар-чи? Агар ота-оналар ўз фарзандларининг таълим-тарбиясига қизиқканда, аҳвол шундай бўлармиди?**

Бутун эътибор, куч ва маблагни таълим ва тарбиянинг сифатига қаратиш даркор. Миллатнинг тақдири — таълим-тарбия сифатида. Дастан, стандарт деган коғозларда эмас. Даарсликларда ҳам эмас. Кучли ўқитувчи ва педагоглар жамоаси энг ёмон дастан ва дарслик билан ҳам яхши таълим-тарбия бераверади. Шовотдаги мактаб-интернат, Қоракўлдаги Тўхтамурод Жумаев мактаби бунга исбот. Ўзлари таълим-тарбияга муҳтожлар жамоаси учун эса олий нав дастан ва дарсликлардан сариқ чақалик наф йўқ.

Жамиятда урчиётган муаммолардан кўпининг илдизи — айнан мактабда таълим-тарбия сифати тушиб кетганида. (Биргина мисол. Мактаб ўқувчиларда халқпарварлик, адолат, ҳалол бўлиш сифатларини, Ватанга муҳаббат туйғусини, иймон-эътиқодни тарбиялаши лозим. Адабиёт, тарих, география фанлари воситасида. Интеллект, кучли тафаккурни шакллантириши лозим. Математика, физика, химия, астрономия, биология фанлари воситасида. Хўш, савдогарларни кўя турдайлик. Бугун турли даражадаги мансабдорлардан неча фойизида бу сифатлар, бу туйғу бор? Ўша 5-10 % чиқадими? Аслида, камиди 90 % бўлиши керак эмасми? Қўрқаманки, бугун ўқувчилардан 5-10 % «қўча» боласи, «вор в законе» бўлишни орзу киладиганлар чиқади. (Буни социологик тадқиқот билан ҳам аниқлаш қийин, аммо шу кунлардаги хабарлар далолат бериб турибди.)

Бугун таълим-тарбиянинг сифати — миллат учун ҳаёт-мамот масаласидир.

**Абдулла АЪЗАМОВ,  
академик**

(Боши 1-саҳифада)

Ҳамроҳимизнинг таъкидлашича, Оққишлоқ ахли “опен бюджет” танловига Қизилтепадан Оққишлоққа бўлган йўлнинг лойиҳасини киритиб, ютиб олибди ва қишлоққача бўлган масофага қум-шагал аралашмаси ётқизиб чиқилибди. Пасту баланд сойликлардаги сел сувлари оқиб ўтадиган жойларда курилган кўприкларнинг озгина таъмирталаб эканлигини хисобга олмаса, йўл транспортда ҳаракатланиш учун анчагина қулайлашган.

Ўрганишларимизни Оққишлоқдаги 60-умумий ўрта таълим мактабидан бошладик. Ушбу мактабда айни пайтда 150 нафарга яқин ўкувчи таҳсил олмоқда. Таълим сифати яхши бўлса керак, мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи бўйича мактаб туманда етакчи ўринда турад экан.

Мактаб синфоналари ва у ердаги таълим сифати билан қизиқдик. Ўкувчиларнинг яхши таълим олиши учун имкон қадар шароитлар яратилган. Аммо мактаб биносининг юкорида жойлашган битта блоки фойдаланишдан тўхтатилган. Боси, ушбу бино фавқулодда ҳолатга келиб қолган. Яъни ён томони ёрилиб кетган. Бундай катта ёриклиарни синфоналарда ҳам кузатиш мумкин. Ҳатто битта синфнинг том қопламаси тушиб ҳам кетган.

Мактаб раҳбарияти ўкув биноларидаги бундай салбий ҳолатни хас-пушлашга ҳаракат қилиши, аммо муаммонинг борлиги ҳакиқат. У ерда келажак авлод тарбияланмоқда ва уларнинг ҳаёти ҳар нарсадан муҳим.

— Бинода ёрилиш ўтган йили пайдо бўлди, — дейди мактаб қоровули Маҳмадайим Эргашев. — Ёпилсин, бу бинода ўқитиб бўлмайди дейишиди. Шундай бўлса ҳам, ўтган йили болалар ўқиди. Жорий ўкув йилидан бошлаб ўқиш бўлмаяпти. Бино 2004 йилда курилган. 4 та синфонаси бор. Ҳозир ўкувчилар пастки бинода ўқияпти. Жой камлиги учун 2-3 сменада ўқишга мажбур бўляпти. Шу боис, кечга қолиб кетяпти. Мактабдаги бу муаммодан туман масъулларининг хабари бор. Қуриб берамиз дейди, лекин натижага ўқ. Баъзи ўкувчилар 3-4 километр масофадан келади. Қайтгунча кеч бўлиб кетади.

Кейинги ва асосан ўрганишимиз керак бўлган манзил ушбу мактабдан 4 километр узоқликда жойлашган мактаб филиали бўлди. Бир қаватли пасткам бино. Атрофи кенглик. 4 та синфона мавжуд. Аслида бу филиал асосий мактабга қатнаш қийин бўлгани боис, бошлангич синф ўкувчилари учун очилган. Жорий ўкув йилидан бошлаб 6-7-синф ўкувчиларига ҳам ўқишга рухсат берилибди.

Синфоналарга кириб дарс жараёнини кузатдик. Биринчи кирганимиз 7-синф экан. 7-8 нафар ўкувчи бор. Ҳатто баъзи синфларда 2-3 на-



## ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН ҚИШЛОҚ

фар бола ўқияпти. Сўнг 6-синфга кирдик. 12 нафар ўкувчи ўқиётган экан. Афтидан энг ўкувчиси кўп синф шу бўлса керак. Ўкувчилар билан бироз сухбатлашдик.

— Биз ҳам мактабимизда замонавий спорт зали, кутубхона, ҳар хил фан тўғараклари бўлиши истаймиз, — дейди 6-синф ўкувчиси Чарос Рахмонова. — Келажакда дизайннер бўлишини орзу қиласан.

— Мен эса келажакда шифокор бўлишни мақсад қилганим, — дейди 6-синф ўкувчиси Бунёд Нормўминов. — Бунинг учун яхши ўқиш керак. Тил билиш керак. Мактабимизда чет тили тўғараклари ташкил қилинишини хоҳлардик. Жисмоний тарбия дарсларида шуғулланиш учун спорт майдончалари қуриб берилишини истардик.

Рости, чекка бир тог қишлоғидаги болажонларнинг келажакка бўлган интилиши, билимга чанқоқлиги чақнаб турган кўзларидан англашиб тургани ҳайратга солди бизни.

Албатта, уларнинг бу истаклари ҳам вақти келиб амалга ошади. Ижтимоий тармоқларда кўтарилган филиалнинг усти очиқ ҳожатхонаси ҳақидаги гаплар асоссиз бўлиб чиқди. Жорий ўкув йили бошланиши олдидан мактаб жамоаси ҳашар йўли билан қизлар учун алоҳида, ўғил болалар учун алоҳида шароитга эга ҳожатхона қуришибди.

Филиалда ҳақиқатда спорт майдончаси ва кутубхона йўқ экан. Бино атрофи ўралмаган ҳам. Яъни чегаралари белгиланмаган. Ҳақли савол тугилади, филиал қуриб берилигдан нега спорт майдончалари, ҳожатхонаси, кўмир ва ўтин саклаш учун омборхоналари қурилмаган?

Ушбу филиал 60 ўринли бўлиб, 2008 йилда ота-оналар ҳомийлигига қурилган мактаб ёнида янгидан қуриб берилган, — дейди 60 — мактаб директори Фарҳод Худойқулов. — Лекин стадион, ҳожатхона ёки омборхона нега қуриб берилмаганидан хабарим йўқ. Чунки раҳбарлик фаолиятимни бошланганимга икки йил бўлди. Лойиҳасида ҳам кўзда тутилмаган. Қўриб турганингиз мана шу ҳожатхонани

ҳам ўқитувчиларимиз ёрдамида ҳашар йўли билан ёнимдан ҳаражат қилиб курдирганман.

Қишлоқни оралаб юарал эканмиз, ислоҳотлар шабадаси секин-секин бу қишлоққа ҳам кириб кела бошлаганинг гувоҳи бўлдик. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги трансформатор келтирилибди. Йўллар таъмирига эътибор қаратила бошлаган. Лекин симёғочлар масаласи ҳамон муаммолигича қолмоқда. Қишлоқнинг деярли ҳамма кўchasига тортилган симлар қўлбала ёғочларда олиб ўтилган ва уларнинг кўпчилиги фавқулодда ҳолатда. Симлар бир-бирига яқин тортилган. Қишлоқ одамларининг таъкидлашича, электр устунларнинг яроқсиз ҳолга келиб қолиши баъзан электр таъминотининг суткалаб узилиб қолишига сабаб бўлади.

— Ерларимиз лалми жойлар. Ёнгиччилик кўпроқ бўлган йилларда чорвамиз ҳам, дехқончилигимиз ҳам яхши бўлади, — дейди шу қишлоқлик Ориф Олтиев. — Қишлоғимизда муаммолар кўп. Ўтган йили йўлларимизга шағал ётқизилиб, бу борадаги ташвишларимиз озгина енгиллашди. Лекин симёғочларимизнинг ахволи ачинарли. Деярли ҳаммаси қўлбола. Бундан ташқари, беморларимизни даволатишга жуда қийналамиз. Тиббиёт пункти сифатида яқинда кичикрок контейнер олиб келишибди, лекин унга доктор йўқ. Битта ҳамишира ёки фелдшер ажратишиша, яхши бўларди.

Ушбу манзил туман марказидан 44-45 километр узоқликда жойлашган бўлиб, аҳолининг тирикчилиги чорвачилиқдан. Шу максадда узок йиллар аввал мол-қўйларини ўтлатиб, шу жойларгача келишган ва кейинчилик шу ернинг ўзида яшаб қолишни маъқул кўришган.

Оққишлоқдаги муаммоларни ўрганиб, туман марказига қайтгача, мактабдаги ҳолат ва электр таъминотидаги муаммолар юзасидан тегишли масъуллардан ҳам изоҳ сўрадик.

— Оққишлоқда жойлашган

60-мактаб филиали 2022 йилда маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан таъмирланган, — дейди Қамаши туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Назира Абраева. — Эшик-деразалари ва том қисми янгиланган. У ердаги муаммолар бизга маълум ва бу бўйича таклифларни берганмиз. Насиб бўлса, кейинги йилда филиалга талабга жавоб берадиган хожатхона ва кўмирхона қуриб берилади. Филиалнинг атрофи ҳам ўралади. 60-мактабнинг қўшимча биноси хақида гапирсан, албатта, бинодаги ёрилишлар бинонинг сифатсиз курилганидан эмас, балки табиат ҳодисалари, яъни ер силкиниши, тупроқ кўчиши туфайли юз берган. Ҳозир у бинода ўқиш бўлаётгани йўқ. 2024 йилда у бинонинг капитал таъмирланиши бўйича ҳам таклифлар берилган.

— Оққишлоқда 60 лик трансформатор қўйилган эди, — дейди туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Сирожиддин Йўлдошев. — У ўрнатилган вактда у ерда аҳоли кам бўлган ва мавжуд эҳтиёж учун етган. Ҳозирги кунга келиб аҳоли сони ошгани туфайли қуввати етмай қоляпти. Бу бўйича чора тадбирлар белгилаб олинган. 160 лик трансформатор олиб борилди ва яқин кунларда ўрнатилади. Тоғли худуд бўлгани ва йўл ноқулайлиги туфайли электр устунларни олиб чиқишнинг имкони бўлмаяпти. 30 та бетон устун йўлнинг ярмигача олиб борилган. Тез кунда уларни ҳам олиб чиқиб, электрдаги муаммоларни бартараф қиласан.

Масъулларнинг фикрларига таянадиган бўлсақ, жорий йил охири ва келгуси йилда Оққишлоқдаги аҳолини ва ўкувчиларни қийнаб келаётган муаммолар ечилади. Таъкидланганидек, қишлоқ мутасаддилар эътиборидан четда қолмаганини биз сухбатлашган инсонлар қайта-қайта таъкидлаб ўтишди. Биз ҳам бу ўзгаришларнинг якунланишига ишонган ҳолда манзилга яна келиш ваъдаси билан орта қайтдик.

**Ўлмас БАРОТОВ,  
ЎЗА мухбири**

# Ё ЧҮЧҚАНИ ЎЛДИР, Ё ЗУННОР БОҒЛА

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий Шайх Санъон хақидаги достонида Каъба шайхи, пири кибор шайх Санъон чўчқабоқарлик касбини қабул қиласди. Улуғ шоир шу ерда изоҳ берадики, воқеан, ҳар бир одам ичида юз чўчқа бор. Шунинг учун, инсон ичида чўчқани ўлдириши керак, ё зуннор боғлаши керак.

Эй банда, сен бу иш факат шайх Санъон бошига тушган деб гумондасан. Лекин бу хатар ҳар бир кишининг ичида бор. У ҳар замон бошини чиқариб, одам боласини безовта этади. Агар сен ўзингдаги чўчқадан огоҳ бўлмасанг, тариқат йўлига кирган солик эмассан, мени маъзур тут. Эй мард, агар тариқатга қадам қўймоқчи экансан, бу йўлдаги бутлар, чўчқалар каби минг турли балолардан қўрқма. Агар тариқат йўли шундай азобли бўлмаганда, Шайх Санъондай дин одами расво бўлиб, Рум шахрида ғавғо кўтармас, саргардон бўлмас эди.

Буни мисол келтиришим, отам Абдулҳак Тоиров ўтган аср 60-йилларда Қиброй туманидаги “XXI-партсъезд” номли хўжаликка директор бўлган. Мен эса “Фан” нашриётида ва Қиброй туман “Қиброй садоси” (собиқ “Коммунизм тонги”) газетасида жамоатчи муҳбир бўлиб ишлардим. Ўша пайтда матбуотда самарқандлик чорвадор Жўра Султонов чўчқа бокиб, шуҳрат қозонгани, Ленин ордени билан тақдирлангани ҳақида шов-шувлари материаллар тарқалди. “XXI-партсъезд” номли хўжаликда ҳам чўчқачилик фермаси бор эди. Менда сут соғувчи ва чўчқабоқар ўртасидаги муҳаббат ҳақида ҳикоя ёзиш истаги пайдо бўлди ва туман газетасида “Она рози бўлди” номли ҳикоям чоп этилди. Унда ёш зоотехник-чўчқабоқар сут соғувчи

Фазилатхонни яхши кўриб қолади. Лекин уйига совчи юборганида қизнинг онаси “Чўчқабоқарга қиз бермайман”, деб совчиларни қайтаради. Йигит чўчқабоқарликдан хўжаликка катта даромад келтириб мукофотланганидан кейин қизнинг онаси уларнинг оила қуришига рози бўлади.

Ўша пайтда мен ҳикояни русчага таржима қилиб, ёшлар алъманахи муҳаррири, таникли адабиётшунос, профессор С.Лиходзиеvскийга олиб бордим. У киши ҳаяжонланиб: “Нега шундай ажойиб севги-муҳаббатни чўчқа масаласига тақадинг? Бу нотўғри”, - деди. Мен: “Европа ёзувчиларида чўчқабоқарлар севгиси ҳақида бадиий асарлар бор, қолаверса, бизнинг улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам Шайх Санъон ҳақида достон ёзган, ишқ йўлида Шайх чўчқа боқкан, дедим. Достонда:

*“Кечга оташгоҳ ўтин ҳоло ёқар,  
Бўлди чун қундуз тўнгузларни боқар”,*  
деган байт ҳам бор.

Ўша пайтда газетада академик шоирFaafur Fуломнинг чўчқабоқар Жўра Султонов номи тилган олинган “Айлаб келинг” фазали чоп этилган эди.

Унда:  
*Мирзачўлда шўр ювиб,  
ерни ҳалол айлаб келинг...*  
Жўра Султон сингари  
минг чўчқага бошлиқ бўлиб,

Гўшту ёғнинг лаззатини  
мисли бол айлаб келинг,  
деган мисралар бор эди.

Лиходзиеvский менга эътироz билдириб: “У пайтлар бошқа эди. Устига-устак Шайх Санъон асарида илоҳий ишқ ҳақида гап боради. XX асрда бизнинг олдимизда бошқа масалалар турибди”, деб жавоб берди. Менимча, у ҳам бу гапларнинг замирида нималар борлигини аслида билган, лекин билмаганга олиб, чўчқабоқар ҳақидаги ҳикоямни қабул қилмади.

Таникли адабиётшунос Зухриддин Исомиддинов ҳақли равишда қайд этганидай, миллӣ ориятни дилида маҳкам ушлаган Faafur Fулом Жўра Султоновнинг чўчқабоқарлигини гўё мақтаб (замон шундай эди), аслида ҳажв қилган.

Ҳа, бир замонлар кўп адашганимиз, хатолар қилганимиз, алданганимиз. 20 йилда коммунизм қурамиз, деб одамларни шунга ишонтирганимиз. У пайтлар тоталитар тузум, маъмурӣ-бўйруқбозлик даври эди. Барчамиз шуларнинг таъсирида эдик. Энди Ўзбекистон мустақил. Халқимиз бугун Учинчи Ренессанс асосларини яратмоқда. Бу қутлуғ йўлдан ҳеч кимни адаштирасин.

Носир ТОИРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирилиги

Тадбиркорлар ва  
ишибилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкилотлари миллӣ  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма раками Г-1210  
Адади: 1015.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табок.  
Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигига  
2006 йил 0010-ракам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани,  
Новза кўчаси, 14-йўй  
Маълумот учун телефонлар:  
98-111-48-29  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:  
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



Акция доирасида 1-июлдан бугунга қадар музей-қўриқхона фонди томонидан турли тарихий даврларга оид 214 та ашёлар қабул қилинди. Шулардан 166 таси музей-қўриқхонанинг бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобига харид қилинган бўлса, 48 таси аҳоли вакиллари томо-

нидан музейга бегараз тухфа қилинди.

Акция доира-  
сида тўпланган осори-атиқалар асосида Тош ҳовли саройида ташкил этилган янги кўргазма хорижлик ва махаллий сай-

ёхларда катта қизиқиши уйғотмоқда.  
“Миллий меросга менинг хис-  
сам” умумхалқ акцияси давом эт-  
моқда.

Музей-қўриқхона ахборот  
хизмати.

Суратларда  
кўргазмадан лавҳалар.

# СОХА РИВОЖИ УЧУН ФИДОЙИЛИК КЕРАК

Тўғрисини тан олиб айтиш керакки, турк қардошларимиз маънан уйғоқ ҳалқ. Улар бугунги шовқин суронли замонда ҳам инсоният учун жуда муҳим бўлган нуқталарни топа билади ва дунёга нималарни тарғибу ташвиқ қилиш кераклигини ва у ўз навбатида Туркия учун қанчалар маънавий ва иқтисодий манфаатлар олиб келишини аллақачон англаб етган. Бир сўз билан айтганда Туркия замондан олдин кетаётган мамлакатга айланиб бормокда. Дунёда иқтисодий бўхронлар кузатилиб, экологик мувозанат мураккаблашуви сув ва электр энергияси тақчиллиги кузатилаётган бир пайтда турк қардошларимиз бу каби муаммолардан осонроқ чиқиши ўйларини излаётгани оддий бир инсон сифатида мени қувонтиради.

Туркия бугун жаҳонга бағрини беғараз очаётган мамлакатга айланди. Барча ўйлар Римга эмас, Туркияга олиб боради деган ибора пайдо бўлди. Унинг сабаблари бор. Чунки Туркия туризмни ривожлантиришни янги чўққига кўтарди. Бу ишларни биз ҳам Ўзбекистонда амалга оширасек бўлади. Лекин у ҳақда кейинроқ сўз юритамиз. Ҳозир бу мамлакатда туризм қандай қилиб бу дарражага чиққани ҳақидаги айрим тажрибаларга эътибор қаратамиз.

Туркия Маданият ва туризм вазири Мехмет Нури Эрсой Туркияning анъанавий зайдун етиштириш саноати ЮНЕСКО рўйхатига киритилганини маълум қилди.

Мехмет Нури Эрсой ижтимоий медиа хисоби орқали тарқатган хабарида Африканинг Касане шахрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ҳукуматлараро Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш қўмитаси йиғилишида Туркияning 5 маданий унсури муҳокама қилинганини билдири.

Табиий ва маданий қадриятларни химоя қилишда яна бир муҳим муваффакиятни қўлга киритганликларини ифода этган Эрсой, “Туркияning анъанавий зайдун етиштириш саноати “ЮНЕСКОнинг зудлик билан қўрикланиши керак бўлган Но-



моддий маданий мерос рўйхати”га рўйхатига киритилди. Янгилари эса йўлда” дея фикр билдири.

Кесанеда бўлиб ўтган йиғилишда Туркияning яна 4 та маданий бойлиги муҳокама қилингани ҳақида маълумот берган Эрсой, ЮНЕСКО номоддий маданий мерос рўйхатида энг кўп маданий бойликларни қайд эттирган давлатлар рўйхатида Туркия иккинчи ўринга кўтарилишини билдири.

Вазир Эрсой, йиғилишда муҳокама қилинадиган 4 та элементнинг киритилиши ортидан Туркия рўйхатидаги номоддий маданий мерослар сони 30 тага етишини таъкидлади.

Шундай қилиб, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган дараҳтни тўғри текислаш усуллари, зайдун йиғиш

қоғозини нақшлар билан безаш санъати”, “Анъанавий чинничилик маҳорати”, “Юпқа нон тайёрлаш ва баҳам кўриш маданияти (кўп миллатли)”, “Баҳор байрами: Ҳидреллез”, “Ҳуштак тили”, “Дада Қўрқут мероси: достончилик маданияти, ҳалқ эртаклари ва мусиқаси”, “Анъанавий камондан отиш”, “Анъанавий ақл ва стратегия ўйини: Мангала”, “Миниатюра санъати”, «Хаттотлик», “Туркия ислом санъатида анъанавий гўзал ёзув”, “Насриддин Хўжа латифаларини айтиш анъанаси (аскиячилик)”, “Чой маданияти: ўзлик, меҳмондўстлик ва ижтимоий ҳамкорлик рамзи (кўп миллатли)”, “Ипакчилик ва тўқувчилик” ҳамда “Анъанавий тошга ишлов бериш санъати (тош ўймакорлиги)” ва бошқалар.

Ана энди бошдан дўппини олиб, озрок ўйлайлик. Ахир, турк қардошларимиз ЮНЕСКО рўйхатига киритган номоддий маданий мерос дейилган, обьектлар бизда ҳам борку, айнан шуларнинг ўзи. Майли, энди уни қардошларимиз киритиб, улгурдилар. Чунки уларнинг Эрсойдек ватанпарвар, билимдон, ишнинг кўзини биладиган маданият ва туризм вазири ҳамда унинг атрофида худди ўзидек фидойи жамоаси бор.

Бир кун келиб, бизда ҳам шундай вазир ва фидойи инсонлар лавозимга келар, лекин ҳозирги туризм соҳасидаги масъуллар Туркияning туризм тажрибасидан ўрганишларини истар эдик. Нафакат истаймиз, балки улар қўллаётган тажрибаларни амалга оширишлари тарафдоримиз. Бизда ўнлаб ЮНЕСКО рўйхатига киритилишини кутиб ётган номоддий маданий меросимиз бор. Уларнинг рўйхатини тузиб, тақдим этилишнинг ўзи кифоя. Ана ўшанда туризм соҳасида уйғониш содир бўлади. Ўшанда турк қардошларимиздек туризмнинг ҳавосини олган мамлакатлар рўйхатига кириш орзумиз амалга ошса, ажаб эмас.

**Рўзибой Қўлдошев,**  
журналист

**Ана энди бошдан дўппини олиб, озрок ўйлайлик. Ахир, турк қардошларимиз ЮНЕСКО рўйхатига киритган номоддий маданий мерос дейилган, обьектлар бизда ҳам борку, айнан шуларнинг ўзи. Майли, энди уни қардошларимиз киритиб, улгурдилар. Чунки уларнинг Эрсойдек ватанпарвар, билимдон, ишнинг кўзини биладиган маданият ва туризм вазири ҳамда унинг атрофида худди ўзидек фидойи жамоаси бор.**

ва мойини сиқиб олиш қоидалари каби зайдун етишириш билан боғлиқ баъзи анъанавий билим, кўнишка ва малакаларни ташхис этиш зарурияти тўғрисида фикр юритилди ҳамда тавсиялар берилди.

Маданият ва туризм вазирлиги тадқиқот ва таълим бош бошқармаси томонидан ҳозиргача ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросида рўйхатга олинган элементлар қўйидагилардан иборат:

“Мавлавий само маросими”, “Ошиқлик анъанаси”, “Наврӯз (кўп миллатли)”, “Карагўз”, “Анъанавий давра сухбатлари”, “Қирқпинар ёғли кураш маросими”, “Алеви-Бектоший маросими: Семах”, “Тантанали Кешкеғи анъанаси”, “Турк қаҳва маданияти ва анъанаси”, “Эбру: турк